

ИЛМИЙ ҲАЁТ ТАҚРИЗ

ТошДШИ “Таржимашунослик” кафедрасида Х.Ҳамидов ва Ш.Хасановалар томонидан тузилган “Русча синхрон таржима терминларининг ўзбекча изоҳли луғати”га ТАҚРИЗ

угунги кунда оғзаки таржиманинг кенг тарқалган тури сифатида маълум бўлган синхрон таржима ўзининг тараққиёт босқичига ўтди, деб айтиш мумкин. Бу, ўз навбатида, соҳа мутахассислари зиммасига катта масъулият юклаш билан бирга, таржимонларнинг билим даражаси ва улар амалга оширган таржиманинг савияси юқори бўлишини ҳам тақозо этади. Бунда синхронист-таржимоннинг оғзаки нутқни аслият тилидан бошқа тилда ўгиришдаги маҳорати, билими, дунёқарashi, икки халқнинг миллий ўзига хослигини чуқур билиши муҳим аҳамият касб этади. Синхрон таржимада маҳорат қирраларининг тадқиқ этилиши эса бундай таржима турининг сифатини баҳолашга имкон беради.

ТошДШИнинг “Таржимашунос-лик” кафедрасида ушбу кафедранинг мудири Х. Ҳамидов ва ўқитувчи Ш. Хасановалар томонидан нашрга тайёрланган ушбу изоҳли луғатда синхрон таржима соҳасига оид русча терминларнинг ўзбекча изоҳлари берилган. Луғат таржимашуносликка оид турли манбалар, жумладан, Л. Л. Нелюбиннинг Москвада нашр этилган “Таржимашуносликнинг изоҳ-ли луғати” (“Толковый переводовед-ческий словарь”)дан олиб ўзбекчалаштирилган, шунингдек, Э. Очиловнинг “Таржимашунослик терминларининг излоҳли луғати”дан олинган 500дан ортиқ терминни ўз ичига олган. Ундаги мақолачалар соғ синхрон таржима терминларидан ташқари, таржимашунослик ва тишлинослик атамалари, анъанавий таржимага оид бир қатор атама ва ибораларни ҳам ўз ичига олган. Луғатдан “Синхрон таржима” ва “Қиёсий тишлинослик, лингвистик таржимашунослик” мутахассислиги магистрантлари, “Таржима назарияси ва амалиёти”, “Филология ва тилларни ўқитиш” йўналишида синхрон таржима сирларини ўрганаётган талабалар фойдаланишлари мумкин. Синхрон ва кетма-кет таржима қонуниятлари, принциплари барча тиллар учун муштарак эканлиги ҳисобга олинса, мазкур луғат оғзаки таржиманинг синхрон тури билан шуғулланувчи мутахассислар учун ҳам фойдали бўлади.

Лугатнинг аҳамияти шундаки, у нафақат ўзбек тилидан шарқ тилларига, балки бошқа тиллар орасида амалга ошириладиган синхрон таржима билан шуғулланувчи магистрантлар ва соҳа мутахассислари учун илмий тадқиқотлар олиб боришда фойдали манба бўлади, деб ўйлайман.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, ТошДШИнинг “Таржимашунослик” кафедрасида Х. Ҳамидов ва ўқитувчи Ш. Ҳасановалар томонидан нашрга тайёрланган ушбу изоҳли лугатни нашрга тавсия этиш мумкин.

Филология фанлари номзоди Э. З. Очилов.